Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

# ТОШКЕНТ оқшоми

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган. № 189 (6. 380) 1987 йил 21 август, жума Баҳоси 3 тийин

## Замондошимиз



## САДОҚАТ

Виктор Иванович завод остонасидан хатлаши биланоқ ўзини янада енгил ҳис этди. Бу ердаги қайноқ меҳнат жараёни илк қарашдаёқ кўзга ташланиб турарди. Атроф саранжом ва саришта. Капитал ремонт қилиш учун келтирилган тепловозлар олдида ўз касбининг моҳир усталари елиб-югуриш билан банд. Кимдир ишдан чиққан эҳтиёт қисмни янгилаш билан овора бўлса, бошқа биров зарур детални ўрнатмоқда. Хуллас, қайта қуриш ва жадаллаштиришдек долзарб вазифалар бугунги куннинг ҳаётий талабига айланган дамлардан буён орадан ўтган вақт ичида янгича ишлаш принциплари бу ерда тобора кенгроқ қарор топаётганлиги сезилиб турибди.

Октябрь революцияси номидаги тепловоз ремонти заводи ажойиб меҳнат анъаналари билан донг таратган. Бунга давр талаби асосида иш юритилаётганлиги туфайли муваффақ бўлиняпти. Айни кунларда ҳам коллектив аъзолари кўпроқ амалий натижаларни юзага чиқариш учун жонбозлик кўрсатиб ишлашмоқда. Ишни социалистик мусобақа асосида ташкил этилаётганлиги эришилаётган ютуқларнинг бош омили бўлаётир. Меҳнат беллашувида Виктор Иванович Пишев бошчилик қилаётган бригаданинг слесарь-ремонтчилари мунтазам пешқадамлик қилишмоқда.

Бу бежиз эмас, албатта. Корхона ишчилари бир пайтлар инқилобий курашларнинг фаол қатнашчилари сифатида танилган эдилар. Бевосита революцион ҳаракат даставвал мана шу ердан бошланганди. Энди эса кўпчилик меҳнатчилар қатори Виктор Иванович бошчилик қилаётган бригада ишчилари ҳам инқилоб ғалабаларини зарбдор меҳнат билан мустаҳкамлаш учун фидокорона ишламоқдалар. Уларнинг аҳди Улуғ Октябрнинг шонли 70 йиллик юбилейини ўн иккинчи беш йилликнинг икки йили топшириғини бажариш билан кутиб олишдир. Ўтаётган ҳар бир кун мана шу катта мақсаднинг амалга ошишига замин яратмоқда. Учинчи даражали Меҳнат Шуҳрати ордени нишондори, «Фахрий темирйўлчи», меҳнат ветерани коммунист Виктор Пишев айниқса бу борада кўпчиликка ибрат бўлаётир. Ўз бахтини мана шу корхонадан топган тажрибали етакчи ёшлар билан ёнма-ён туриб янада ғайрат билан ишлаяпти.

СУРАТДА: Виктор Иванович Пишев.

Т. Каримов фотоси.

## Уйсозлар ғайрати

«Главташкентстрой»нинг 2-уйсозлик комбинатига қарашли 2-қурилиш бошқармаси коллективи сафида Н. Ванин ва А. Закусилов бошлиқ коммунистик меҳнат бригадалари номи фахр билан тилга олинади. Чунки, бу ҳар иккала бригада бошқармада ўзаро социалистик мусобақада бир неча йилдан бери сурункасига пешқадам ўринлардан бирини эгаллаб келмоқда.

**Мусобақадош коллективлар бригада пудрати методи асосида меҳнат қилиш усулини эгаллади. Улар шу кунларда Юнусобод массивининг 19 кварталида қад кўтараётган 144 квартирали турар-жой биносини бунёд этишда қатнашяпти.**

**Ҳозир бу коллективларнинг меҳнат календарида ўн иккинчи беш йилликнинг учинчи йили очилган.**

**Мусобақадошлар Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллигини икки йиллик топшириғини бажариш билан кутиб олишмоқчи.**

**Бригадаларнинг Н. Артёмов, К. Усачев, Д. Фаҳриддинов, Ж. Вадемчук сингари бунёдкорлари эса смена топшириғини 25—30 процент ортиғи билан адо этиб, ҳамкасбларига ибрат бўлмоқдалар.**

**Д. ОБЛАЕВ.**

## Янги ғалабаларга эришилди

Тошкент тўқимачилик комбинатида Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллиги шарафига бағишланган мусобақа янги зафарларга омил бўлди. Кўплаб ишчилар беш йилликнинг тўртинчи йили топшириғини муддатидан олдин бажаришга эришдилар.

**2-йигирув-тўқув фабрикасининг тўқувчиси А. Конорина, Е. Даугаль, мастер ёрдамчиси М. Тўхтабоев, йигирувчи Д. Қосимова, В. Сироштоновалар 1989 йил топшириқларини бажарганликлари ҳақидаги рапортга имзо чекишди.**

**Корхона меҳнатчилари зафарларни бойитиш ниятида илғор иш усуллари, янги техника ва технологиядан самарали фойдаланиш учун изланишни давом эттиришмоқда.**

## Хушхабар

Тошкентдаги 7-мактаб янги ўқув йилига батамом тахт бўлди: деворлар, шифтлар, эшиклар бўялди, унга ойналар қўйилди.

**Бу ишларни саккизинчи синф ўқувчиларининг ўзлари тузган бинокорлар отряди аъзолари бажаришди. Улар бир ой мобайнида бинони тўлиқ ремонтдан чиқардилар. Мактаб комсомол комитетининг қабул комиссияси биронта ҳам чала иш топомади. Болаларни оталиққа олган «Комфорт» ишлаб чиқариш бирлашмаси бутун ишни ўз муҳлатида аъло сифат билан бажаришга ёрдам берди. Ёзги каникул бошланишидан олдиноқ барча зарур бинокорлик материаллари ва асбоблари мактабга келтириб қўйилганди.**

# УЛУҒ ОКТЯБРЬ ШАРАФИГА



### «Тошкент оқшоми» сайёр редакцияси

## ЛЕНИН РАЙОНИДА

**⊙ Ленин райони республикамиз пойтахтидаги энг кекса районлардан бири ҳисобланади. 1929 йилнинг 30 мартидан буён район жаҳон пролетариатининг доҳийси В. И. Ленин номи билан аталиб келмоқда. Ҳозир район партия ташкилоти пойтахтимиздаги энг йирик ташкилотлардан бири ҳисобланади. Унинг сафларида 304 бошланғич ташкилот ва 15 мингдан зиёд коммунист бор.**

**⊙ Ленин райони республика ишчилар синфининг ҳақиқий маънодаги бешиги ҳисобланади. Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларидаёқ республикамиз пойтахтидаги саноат ва транспорт корхоналари ишчиларининг 75 проценти шу ерда жамланган эди.**

**⊙ Ҳозир районда 16 та йирик саноат корхонаси бор. Уларнинг орасида Меҳнат Қизил Байроқ орденли Октябрь революцияси номидаги теловоз ремонти заводи, В. И. Ленин номидаги Ленин орденли электрон-техника заводи, Меҳнат Қизил Байроқ орденли «Қизил тонг» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг нашриёти, «Средазэлектроаппарат» ишлаб чиқариш бирлашмаси, республика моделлар уйи ва бошқалар бор.**

**⊙ Район саноат корхоналарида Тошкентда тайёрланаётган барча маҳсулотларнинг 11 проценти тайёрланмоқда. Районда тайёрланаётган маҳсулотлар 40 дан зиёд чет мамлакатларга экспорт қилинмоқда. Реализация қилинаётган маҳсулотларнинг умумий ҳажми 400 миллион сўмликдир.**

**⊙ Шу йилнинг тўртинчи кварталида 10 минг номерли 93-АТС фойдаланишга топширилади.**

# ТУРКИСТОННИНГ ОТАШҚАЛБ КОМИССАРЛАРИ

### Улар биринчи эди

**Мақсуд ШАЙХЗОДА**

**Туркистонда қаҳрамон Тошкент**
**Советларнинг бўлди қалъаси,**
**Ҳақ ўрнатиб ҳар томон Тошкент,**
**Адолатнинг келди палласи.**
**Ҳарбу зарбда улғайди Тошкент,**
**Аҳвол тангу, ғоя ва иш кенг...**
**Оҳ, ўн тўртлар, ўн тўртта ботир,**
**Тўнғич ўн тўрт қизил комиссар,**
**Кошки бўлса қаламим қодир,**
**Қонингиздай ёзсам пок асар!..**
**У шум кеча... ва «Тупроқ қўрғон»...**
**Писанд қилмай жаллодлар дўқин,**
**Узганда оқ ваҳшийлар ўқин,**
**Сийналардан на дод, на фиғон!!**
**Сўнгги кеча, сўнгги нафасда**
**Эслар эди Шумилов уста**
**Туркистоннинг темир йўлларин**
**Ғояпарвар умр йўлларин,**
**Билар эди жасур большевик:**
**Унинг ҳаёт йўли битса ҳам**
**Коммунанинг умри кўп йирик,**
**Коммунизм йўллари кўклам...**
**Қўйилгансиз битта қабрга,**
**Қучоқлашиб сиз ўн тўрт қардош,**
**Курашларда бўлгандай бирга,**
**Ўлганда ҳам бирга — қабрдош!..**
**Шаҳрингизга эмассиз қарздор,**
**Ўтадингиз бурчни мўътабар,**
**Сизни эслар тошкентлик ҳар бор,**
**Қабрингизга қўйиб гулчамбар...**
**Кўп қимматга тушди озодлик,**
**Кўз ёшлардан юғрилди шодлик.**
**Шу туфайли азиз ҳуррият,**
**Эркимизнинг баҳоси қиммат.**

(«Тошкентнома» поэмасидан).

Қуёш шаҳри Тошкентни — Шарқ машъали, деб бежиз айтмайдилар. Унинг жамолида қуёш жилва қилади, камолида башарият бахт-саодати тўлқин уриб туради. Тошкентнинг ҳамма улуғворлиги ва шарафи она-Ватанимиз қалби — Москва Кремлининг юлдузларидан нур олиб, гўзаллик билан йўғрилган. Бу заррин нур, бу бахт нури 1917 йили Октябрда «Бутун ҳокимият — Советларга!» деган оташин чақириқ билан дунё узра таралдики, инсоният яралгандан бери бундай эркни, бундай хуррамликни кўрмаган эди. Октябрь шаҳарларга истиқбол, одамларга иқбол берди. Озодлик, тинчлик, дўстлик, тенглик, бахт-саодат, фаровонлик Октябрнинг муқаддас инъоми бўлди.

Ўрта Осиёнинг — Шарқнинг машъал шаҳри Тошкент Улуғ Октябрь социалистик революциясининг дастлабки кунлариданоқ инқилоб ғалабаси учун мардонавор курашга оёққа турди. Октябрнинг қутлуғ ғалабасига эришмоқ учун фидойи меҳнаткашлар:« ишчилар, деҳқонлар, зиёлилар — оташин революционерлар қаттиқ жабру-ситамларни, сургун-қамоқларни, қурбон беришларни бошдан кечирди, ҳаммасига метин ирода билан чидади ва ғолиб келди. Шундай азим инқилобга илҳомлантирган буюк куч-қудратга доҳий Ленин асос солган Коммунистик партия йўлчи юлдуз эди.

Октябрь қуёшидан, доҳиймиз Ленин партияси ақл-заковатидан зиё олган Тошкент чор Россиясининг мустамлака, қолоқ ўлка шаҳридан, янгича ном билан «Шарқнинг машъал шаҳри»га айланди. Энди унинг бағрида муҳташам бинолар, равон кўчалар, кенг майдонлар, сўлим хиёбонлар, зилол сувли каналлару-кўллар, боғроғлар яшнаб кетган.

Тошкентимиз вокзалини — шаҳарнинг улкан дарвозаси, деб аташадики, бу масканда кун бўйи ҳаёт қайнайди, тунларни ёритиб Ильич нурлари чақнайди. Худди шу ердан шаҳримизнинг доҳиймиз номи билан аталган Ленин райони Ватанимизнинг турли ерларидан келган меҳмонларни қарши олиб, шаҳарга чорлайди. Вокзалолди майдонидаги улкан ёдгорлик — 1919 йил январда ҳалок этилган Туркистон 14 комиссарлари хотирасига бағишлаб ўрнатилган ёдгорлик салобати билан Улуғ Октябрь инқилобининг алангали йиллари рамзи бўлиб турибди.

Қизғиш гранит тошлар революция қўшиғига айланганга ўхшайди. Она-Ватанимизнинг алвон ранг байроғи вазмин ҳилпираб, уни баланд кўтариб келаётган революционерлар сиймосида жанговар руҳ, енгилмас ирода, куч-қудрат ва жасорат жўш урмоқда. Ленин партиясининг садоқатли фарзандлари Ўзбекистонда Улуғ Октябрь социалистик революциясининг ғалаба қилишида фидокорлик кўрсатдилар.

Совет даврида Тошкент шаҳри зиммасига жуда катта тарихий вазифа тушди. Инқилобнинг дастлабки кунлариданоқ Тошкент Ўрта Осиё халқларининг сиёсий ҳаёти, экономикаси ва маданиятини социалистик тарзда ўзгартиришнинг ҳақиқий маркази бўлиб қолди. Ўша пайтда Туркистон АССРнинг пойтахти сифатида Тошкент гражданлар уруши йилларида Ўрта Осиёда Совет ҳокимиятининг мустаҳкам қалъасига айланди. 1919 йил январида хоин Осипов бошчилигида амалга оширилган оқ гвардиячилар исёни Тошкентда контрреволюциянинг сўнгги чиқиши бўлди.

Большевиклар партиясининг кўзга кўринган арбоблари ва Туркистон АССРнинг масъул партия ходимлари алдов йўли билан қўзғалончилар қароргоҳи — 2-Сибирь полкига чақириб келтирилгач, отиб ташланди. 14 Туркистон комиссари фитна ва хоинликнинг қурбони бўлдилар. Лекин революциянинг матонатли арбобларининг номи зарҳал ҳарфлар билан тарих саҳифаларига ёзилдики, халқларимиз уларнинг жасоратларини унутмайдилар. **Мана, революционер арбобларнинг лавозимлари ва уларнинг шарафларга бурканган исм-шарифлари билан танишинг.**

**Туркистон АССРнинг Марказий ижроия комитети раиси В. Д. ВОТИНЦЕВ.**

**Туркистон республикаси ХКС раиси В. Д. ФИГЕЛЬСКИЙ.**

**Тошкент Советининг раиси В. Н. ШУМИЛОВ.**

**Тошкент Совети раисининг ўринбосари В. Н. ФИНКЕЛЬШТЕЙН.**

**Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг аъзоси А. Я. ПЕРШИН.**

**Тошкент Касаба союзлар Советининг раиси ва Республика молия комиссари М. С. КАЧУРИНЕР.**

**Туркистон АССР Йўллар халқ комиссари Е. П. ДУБИЦКИЙ.**

**Республика ички ва ташқи ишлар халқ комиссари А. Н. МАЛКОВ.**

**Туркистон АССР Фавқулодда тергов комиссиясининг раиси И. П. ФОМЕНКО.**

**Партия дружинасининг командири Д. Г. ШПИЛКОВ.**

**Тошкент Совети ижроия комитетининг ва шаҳар партия комитетининг аъзоси С. П. ГОРДЕЕВ.**

**Тошкент шаҳар соқчилар бошлиғининг ёрдамчиси П. И. ЛУГИН.**

**«Туркестанский коммунист» ва «Красноармеец» газеталарининг муҳаррири М. Н. ТРОИЦКИЙ.**

**Туркистон республикаси фавқулодда ҳарбий дала судининг раиси А. В. ЧЕРВЯКОВ.**

Қизил аскарлар, қуролланган ишчи отрядлари, маҳаллий аҳолининг актив ёрдами билан Тошкент партия ташкилотининг раҳбарлигида хоин Осипов исёни бир куннинг ўзида бостирилди.

26 январь куни 14 Туркистон комиссарини дафн этиш маросими бўлиб, унда шаҳарнинг кўп сонли меҳнаткашлари, ишчилар, Қизил аскар отрядлари, партия ва ҳукумат аъзолари қатнашдилар. Комиссарлар дафн этилган Темирйўлчилар паркидаги Биродарлик қабристонида кейинчалик уларга ёдгорлик ўрнатилди. 1962 йили Тошкент вокзалолди майдонида 14 комиссар хотирасига улкан монумент ўрнатилди.

**Т. РАСУЛЕВ.**

## Келгуси ой ҳисобига

**«Гордорстройремонт» трестининг асфальт-бетон заводи коллективи 8 ойлик топшириқни бажарди.**

Ҳозир корхона ишчилари сентябрь ойи ҳисобига меҳнат қилишмоқда.

Бу ерда планга қўшимча 146 минг сўмлик маҳсулот тайёрланди.

## Техника самараси

**«Учқун» тўқимачилик-галантерея ишлаб чиқариш бирлашмасида Швейцариядан келтирилган «Циммер» ва Италияда ишлаб чиқарилган «Орелин» маркали поток линия ишга туширилганига кўп бўлгани йўқ.** Яқинда уларнинг ёнида эса Австриядан олинган пардозлаш линияси ишчилар оғирини енгиллатишга хизмат эта бошлади. Бу янги пардозлаш линияси корхона маҳсулоти сифатини бутунлай яхшилади. Натижада бирлашмада харидоргир маҳсулотлар кенг кўламда тайёрланмоқда.

Аввал цехда 50 киши қўл меҳнатида банд эди, энди янги линиялар 16 ишчини оғир меҳнатдан озод қилди.

Ишлаб чиқариш унумдорлиги 18 процент ошди. Сифат эса яхшиланди. Коллектив Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллиги нишонланадиган кунга планга қўшимча 440 минг сўмлик маҳсулот тайёрлаш мажбуриятини олган.

# ТОШКЕНТНИНГ БОШ МАЙДОНИДА

СССР — ҲИНДИСТОН ДЎСТЛИК ФЕСТИВАЛИ

ЎЗБЕКИСТОН пойтахтининг В. И. Ленин номидаги бош майдони таниб бўлмас даражада ўзгариб кетди. Одамлар кўз ўнгида Ҳиндистон миллий услубидаги 26 метрли гулдор колонналар, ўнлаб ажойиб дўконлар пайдо бўлди. 4 сентябрь куни бу ерда СССРда ўтаётган Ҳиндистон фестивалининг Тошкентда тантанали очилиш маросими бўлади.

Кенг ва текис майдон ҳозир улкан қурилиш майдончасини эслатмоқда. Механизмлар гуриллаб ишлаб турибди, қудратли кранлар металл конструкцияларни жойлаштирмоқда, қурувчилар аҳиллик билан пухта ишламоқдалар. Вақт тиғиз. Саноқли кунлар ичида дўстлик, қувонч ва шод-хуррамлик авжига чиқадиган бутун бир шаҳарча тикланиши, монтаж қилиниши, безатилиши керак.

Тошкент фестивали дирекциясининг раҳбари Герман Рожковни бу ерда кеча-ю кундуз учратиш мумкин.

— Сиз қачон дам оласиз?

— Фестивалдан кейин. Ўзингиз биласиз, бундай тадбир дунёда ҳали бўлмаган. Хуллас, ҳамма нарсани олдиндан кўра билишимиз керак. Объектимизда ҳар қандай масала дарҳол ҳал этилаётгани қувонтирмоқда. Зарур техника, материаллар ҳамиша мавжуд.

Ҳа, уч ҳафта олдин катта тўрт бурчак плиталар ётқизилган, ям-яшил гулзорлар барпо этилган майдоннинг қиёфаси бутунлай бошқача, яъни улуғвор ва хотиржам эди. Энди эса...

Бу гал Тошкентга келадиган Ҳиндистон миллий байрами — Утсав бош майдонини айланиб чиқамиз. Дўст мамлакат меъморлари лойиҳасига кўра, майдонга 40 дан ортиқ павильон ўрнатилган. Бир қараганда, бетартиб ўрнатилгандек кўринадиган павильонлар уларга табиий тус беради, хотиржам вазиятни вужудга келтиради. Утсавга шод-хуррамлик бағишлайди. Ҳиндистон халқ усталари ясаган буюмларни, совға буюмлари, салқин ичимликлар сотиш ҳам шу ерда ташкил этилади. Ҳозирнинг ўзидаёқ бир нечта театр саҳнаси ўрнатилди. Бу ерда айни бир вақтнинг ўзида мамлакатнинг турли штатларидан келган, бинобарин бир-бирларига ўхшамайдиган беш юзга яқин ҳинд артисти ўз маҳоратини намойиш қилади.

Байрам, шаҳарчасидаги энг ажойиб нарсалардан бири металл конструкциялардан барпо этиладиган 15 та колоннадир. Бу колонналарни Ҳиндистоннинг хилма-хил газламалари, бамбукдан ясалган рангдор буюмлар, сомондан тўқилган безаклар янада кўркамлаштиради.

Табиийки, буларнинг ҳаммасини Тошкентга келтириш зарур эди. Ленинграддан конструкциялар ва материаллар ортилган учта темир йўл составн, Москвадан йигирма тонналик автопоездлардан ўттизтаси келди. Асосий ишлар байрам шаҳарчаси қурилишининг бош пудратчиси «Главташкентстрой» ва унинг зарбдор отряди 11-«Висотстрой» трести зиммасига тушди. Айни мана шу коллектив В. И. Ленин Марказий музейи Тошкент филиали, «Ўзбекистон», «Москва» меҳмонхоналари, СССР халқлари дўстлиги саройи каби объектларни барпо этган.

Майдонда иш уч сменада ташкил этилган, ҳар соатда янги объектлар тайёр бўлмоқда.

— Биз биринчи марта қопламасиз енгил конструкцияларни монтаж қилишга дуч келдик, — дейди трест бошқарувчисининг ўринбосари Евгений Обшатко ЎзТАГ мухбирига. — Йўл-йўлакай бундай конструкцияларни монтаж қилишни ўргандик. Н. Орлов билан Л. Шожонов бошлиқ энг яхши бригадаларимиз янги технологияни тезда ўзлаштириб олдилар, энди улар бошқа монтажчиларга ёрдам бермоқдалар. Ҳаммаси бўлиб 800 тонна конструкцияни монтаж қилиш, бир ой ичида бир ярим миллион сўмлик иш бажариб, 25 августгача ҳамма ишларни қўлдан чиқаришимиз керак бўлади.

Уч кун ичида — 4, 5, 6, сентябрь кунлари байрам томошаларини 120 минг киши келиб кўради. Уларни жуда кўп совғалар кутмоқда. Харьковлик Владимир Давтян бошчилигидаги мамлакатимизнинг энг яхши мушакбозлари осмонда фил, қўнғироқчалар, афсонавий аждарҳони тасвирлайдилар.

...Редакцияда телефон жиринглайди: «Бош майдонни ярмаркага ажратиб бериш қандай бўларкин? Москвадаги каби стадионда ўтказиш яхши эмасмиди?»

Йўқ, яхши эмас. Бу майдоннинг ўз тарихи бор, у Совет — Ҳиндистон дўстлигига, тинчликни мустаҳкамлашга илгари ҳам ўз ҳиссасини қўшган.

1966 йил январида шу ерда, Навоий номли кутубхонанинг ҳозирги биносида Ҳиндистон Бош министри Лаъл Баҳодир Шастри билан Покистон Президенти Аюбхон ўртасида Тошкент декларацияси имзоланганлигини ҳеч қачон унутмаймиз. СССР ташаббуси билан уюштирилган бу учрашув Ҳиндистон — Покистон можаросидан сўнг мамлакатлар ўртасидаги муносабатларни нормаллаштиришда ҳал қилувчи роль ўйнади.

Хуллас, Тошкентнинг бош майдони фестиваль ўтказиш учун энг мақбул жой. Бу майдон тинчлик ва халқаро хавфсизлик учун биргаликда курашаётган халқларимиз ҳаётидаги яна бир шонли воқеанинг гувоҳи бўлиб қолади.

Марҳабо, Фестиваль!



«Тошкент оқшоми» сайёр редакцияси

# ЛЕНИН РАЙОНИДА

Партия сафлари мустаҳкам бўлсин

## МАСЪУЛИЯТ ҲИССИ

КПСС Марказий Комитетининг «Партияга қабул қилиш ва партия сафларини мустаҳкамлаш борасида Тошкент область партия ташкилотининг ишидаги жиддий камчиликлар тўғрисида»ги қарорида партия ташкилотлари ишида ҳамон қотиб қолган форма ва иш методларидан нарига ўтилмаётганлиги жуда тўғри кўрсатиб ўтилди. Партия сафларига қабул қилишга тайёрлаш, синовдан ўтказиш, қабул қилиш ишларига масъулият билан қаралмаяпти. Натижада, «юқоридан» таъсир этилишига қарши курашда журъатсизликка йўл қўйилаяпти.

Хўш, «Средазэлектроаппарат» ишлаб чиқариш бирлашмасида партия сафларини мустаҳкамлаш борасида нима ишлар қилинаяпти?

Бир-икки йил илгари бирлашма мамлакатимиздаги донгдор корхоналардан бири эди. Бироқ ҳозир меҳнатчилар план-топшириқларини бажара олмаяптилар. Топширилаётган маҳсулотнинг кўп қисми давлат қабули томонидан ўтказилмаяпти.

Айни пайтда корхонада 5500 ишчи-хизматчи, инженер-техник меҳнат қилади. Шулардан 630 нафари КПСС аъзоси. Рақамларни бир-бири билан таққослайдиган бўлсак, коммунистлар сони барча хизматчиларнинг саккиз процентдан кўпроғини ташкил этишини билиб оламиз. КПСС сафларига қабул қилишдек муҳим ишга қандай эътибор берилаяпти? Корхонада юзага келган тиғизликка қарши коммунистлар қандай курашмоқдалар?

Партия ташкилотининг секретари меҳнат отпускасида. Унинг ўринбосари Нелля Петровна Кривошеева бизни қизиқтирган саволларга шошилмай жавоб қайтарарди. Унинг сўзларига қараганда бирлашма партия комитети яхши ишламоқда. Ўтган йиллар мобайнида йилига ўртача 40 нафардан меҳнаткашни партияга қабул қилинган. Бу йил етти ой ичида 11 киши партия аъзолигига кандидатликка ёки партия аъзолигига қабул қилинган. Уларнинг сиёсий, иқтисодий ва маънавий билими, дунёқараши партиямиз талаблари асосида синовдан ўтказилган.

— Партияга қабул қилишдаги камчиликларни ошкор этган қарор қабул қилингунига қадар бир йил ишлаб синалган кишини аризасига биноан КПСС аъзолигига қабул қилиш мумкин эди. Шунда ҳам имкониятларимиз чегаралаб қўйиларди. Бизга кўрсатма берилиб, унда аёлми, эркакми, комсомол аъзосими, партиясизми ҳатто ёшигача аниқ белгиланар эди. Зарур бўлганда шошилинч ҳужжатларни тайёрлаб, район партия комитетига тавсия этаверардик, — деди Нелля Петровна. — КПСС Марказий Комитети қабул қилган қарордан сўнг аҳвол бирмунча яхшиланди. Бироқ ҳозир ҳам айрим чегаралашлар бор.

Шу йил апрель ойида ўтказилган йиғилишимизда тўрт масала кўрилди. Партия аъзолигига кандидатлардан З. Бобожонова, Г. Маҳмудова, Ф. Абдумуталова, Г. Садирнади сингариларни КПСС аъзолигига қабул қилдик...

Корхонада партия аъзолигига қабул қилиш масаласига тўла масъулият билан ёндошилмаётганини қатор мисоллар исботлаб турибди. Гулчеҳра Маҳмудова ҳали ёш. Эндигина 23 ёшга чиқди. У бирлашма «Реле ва автоматика» заводининг техник-контрол бўлимида контролёр вазифасида ишлайди. Аммо у ҳам, ҳамкасблари ҳам эгаллаб турган вазифасига нисбатан масъулиятни унутиб қўйганлиги туфайли брак маҳсулотлар ўтказиб юборилаяпти. Натижада корхона йиғув цехида тайёрланаётган буюмлар давлат қабули кўригидан ўтмай қолмоқда. Рақамлар таҳлил қилинса эътиборсизлик давлатга қанчадан-қанча зарар келтираётгани яққол кўзга ташланади. Партия аъзолигига кандидат сифатида ҳамкасбларига қандай таъсир ўтказди? Нима учун бракчиларга қарши курашда тутган ўрни сезилмаяпти? Буни била туриб, нима учун партия аъзолигига қабул қилинди?

Энди партия аъзолигига кандидатларнинг билим савиялари синовдан ўтказилиш масаласини кўриб чиқайлик. Протоколларни варақлаганда, бир хил саволларнинг такрорланаётганлигининг гувоҳи бўлдик. Улар ҳам КПСС аъзолигига кандидатларнинг сиёсий, иқтисодий билимига баҳо беролмайди. Г. Садирнадини партия аъзолигига қабул қилинаётганда берилган «Ким КПСС аъзоси бўлиши мумкин?», «Қандай жамоатчилик топшириқларини бажарасиз?», «Коммунистнинг ҳуқуқ ва мажбурияти қандай?», «Қандай газеталарни ўқийсиз?» деган саволлар З. Бобожонова, Ф. Абдумуталова, Г. Маҳмудова сингариларга ҳам қайтарилган. Ҳатто кўпчиликдан ВЛКСМ XX съезди қачон бўлганлиги ҳам сўралган. Бундан аввалги протоколлар ҳам шу зайлда тузилган. Лекин ҳеч қайси корхона партия комитети бюросида қайта қуришни у қандай тушунади, қайта қуриш нима учун зарур, мамлакатни социал-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштиришнинг аҳамияти, партиямиз олиб бораётган тинчлик сиёсати, бирлашма ҳаётига доир масалалар, муаммоларни ҳал этишдаги иштироки ва шу сингарилар қабул комиссияси аъзоларини қизиқтирмаётгани кишини ажаблантиради.

Цехларда ишлаётган коммунистлар билан суҳбатлашганимизда цех бошланғич партия ташкилотлари ишламаётгани маълум бўлди.

— Бирлашмамиз партия ташкилоти амалга ошираётган ишлар мени сира қониқтирмаяпти, — дейди 1-йиғув цехи слесарь-йиғувчиси, КПСС аъзоси Светлана Вершинина. — Барча цехлардан брак, сифатсиз хом ашё оқиб келаяпти. Сифатсиз материалдан қандай қилиб, халққа манзур буюм ишлаб чиқариш мумкин? Бу ҳақда бир неча марта раҳбарларни хабардор қилдик. Лекин, на раҳбарлар, на корхона партия комитети, на цех партия ташкилоти бунга қарши чора белгилаяпти. Цехимиздаги Т. Молочникова, Н. Қаюмова бошлиқ бригадалар аъзолари тайёрлаган буюмлар давлат қабули томонидан ўтказилмаяпти. Уларнинг қисмларини алмаштирганимизнинг нафи тегмаяпти. Чунки қисмлари сифатсиз. Бошқа цехларда давлат қабули комиссияси ҳеч қандай назорат ўрнатмай, бракларни ўтказиб юбораяпти.

— Цехимиз коммунист ва ишчилари маслаҳатлашиб, ўша цехларга бориб аҳволни тушунтирдик. Бизни ҳайратга солган нарса шу бўлдики, уларга қисмларни тайёрлаш процессида маълум процентгача бракка йўл қўйишга рухсат этилган экан. Давлат қабули комиссияси эса мутлақо ишламаётган экан, — дейди йиғувчи, КПСС аъзоси Матлуба Шукурова. — Айрим пайтларда планни бажариш мақсадида дам олиш кунлари, ишдан кейин ҳам меҳнат қилишга тўғри келаяпти.

Бу гапларни бошқа коммунист ва ишчилар ҳам тасдиқлашди.

Партиямиз энг муносиб, сиёсий ва ахлоқий билимдон, ўзини ишда кўрсатган, принципиал кишиларнигина партияга қабул қилишни талаб этаётган бир вақтда «Средазэлектроаппарат» ишлаб чиқариш бирлашмасида рўй бераётган бундай ҳолга қандай баҳо бериш мумкин? План ва топшириқларнинг бажарилмай қолаётганига худди шунга ўхшаш сабаблар тўсқинлик қилмаяптимикин?

М. ДАМИНОВ.

## ПУХТА ТАРАДДУД

Янги ўқув йилининг бошланишига саноқли кунлар қолди. Райониннг 16 та мактабида 1 сентябрга ҳамма нарса тахт қилиб қўйилган. Бу йил 4 та мактабни капитал ремонт қилиш планлаштирилган эди. Ҳозиргача бу ишлар амалга оширилди. Қолган 12 та мактаб ҳам жорий ремонтдан чиқарилган.

«Қиш ғамини ёзда енг» деганларидек, район халқ маорифи бўлимига қарашли 43 та ташкилотдан 30 тасида иситиш системаси мавсумга тайёрланди. Албатта, бу ишларни амалга оширишда қатор чигалликлар учрайди. Шундай бўлса-да, барча резервлар ишга солиниб, масалалар ҳал этиляпти. Айниқса, бу тадбирларни тез ва соз бажаришда ҳар бир мактабни оталиққа олган район саноат корхоналари ёрдамга келди. Улар ремонт учун зарур материалларни етказиб берди.

Бироқ, ишни янада жадал ўтказишда «Ташремстрой» тресги ходимлари пала-партишликка йўл қўйиб, кўпгина объектларда белгиланган вақтда иш бошлашмади. Ваҳоланки, улар ремонт учун тегишли ҳужжатларни ўтган йилнинг кузида олишган эди. Янги ўқув йили арафасида «бўл-бўл» билан тез тугалланди, сифат эса ҳар доим ҳам талаб даражасида бўлавермайди.

Хуллас, ёз ойлари мактаб хўжаликларида долзарб палладир. Бу даврда янги ўқув йили учун моддий база яратилмаса маориф ҳаётида самарали иш олиб бориш қийин. Замонавий мактаб кўлами шуни тақозо этади. Шу боис ҳам бу масалалар район маърифатчилари диққат марказида турибди.

Фактларга мурожаат қилайлик. Бир неча кундан кейин, район бўйича биринчи синфларга бир неча юз ўғил-қиз ўқишга боради. Янги мактаб ислоҳотига кўра олти ёшга тўлган болалар ҳам ўқиши керак. Аммо қаерда? Болалар боғчасидами ёки синфлардами? Бу муассасаларда улар учун зарур шароит йўқ.

Ҳақиқатан ҳам район мактабларининг кўпи эски типдаги бинолардир. Кейинги йилларда қурилаётганларини талаб даражасида дейиш мумкин.

Энди мактабгача болалар муассасаларига келсак, улар районда 23 та. 1987 йилда 5 муассаса капитал ремонтдан чиқарилиши керак эди. Ҳозиргача шундан атиги 2 тасида бу ишлар ниҳоясига етказилди.

Бу районда ҳам болалар боғчалари етишмайди. Яқин икки йилда бундай бинолар қуриш кўзда тутилмаган. Айниқса, Қўйлиқ, «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» массивлари ва «Марказ-7» квартали аҳолиси бу борада қийналмоқда. Мисол учун «Марказ-7» ни олайлик. Зилзиладан кейин бу ерда иккита болалар боғчаси қурилган эди. Орадан шунча йил ўтсада, уларнинг сони кўпаймади. Аммо ўнлаб кўп қаватли бинолар қад кўтарди. Аҳоли сони эса анча ошди. Қолган икки массивда ҳам болалар муассасаси муаммо бўлиб қолмоқда. Турар жой бинолари фойдаланишга топширилди-ю, аҳолининг фарзандлари учун мактаб ва болалар боғчаси қуриш кечиктирилди. Шу боис ҳам навбатда турганлар сони анчагина.

Район халқ маорифи системасида кадрлар билан ишлаш масаласи долзарблигича қолмоқда. Барча предметдан малакали мутахассислар етарли эмас. Масалан, район мактабларида биология, химия, география, математика ва бошқа табиий фанлар бўйича кадрларга муҳтожлик бор. Натижада жойларда бир ўқитувчи икки-уч кишининг ишини бажаришига тўғри келмоқда. Бунда ўқувчиларга билим бериш савияси ҳар доим ҳам юқори бўлмайди.

Маориф бўлими олдида турган шу каби вазифалар бугунги кун талабидир. Албатта уларнинг кўпчилиги оталиқ ташкилотларнинг яқиндан ёрдами туфайлигина ҳал этилади.

Ғ. РАЗЗОҚОВ.

## ИЛҒОРЛАР САФИДА





Ленин райони корхоналарининг коллективлари Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллигига муносиб меҳнат армуғонларини ҳозирламоқдалар. Улар партиямизнинг қайта қуриш ва жадаллаштириш ҳақидаги кўрсатмаларини оғишмай амалга ошира бориб, ишлаб чиқаришни такомиллаштириш ва самарадорлигини оширишда жонбозлик кўрсатмоқдалар. Умумхалқ ҳаракатига жўшқинлик киритишда забардаст ишчилар ҳамма жойда шижоат кўрсатмоқдалар.

СУРАТЛАРДА:

◎ Химия-фармацевтика заводи таблеткалар цехининг илғор ишчиси Светлана Салимова.

◎ «Ташхимсельмаш» заводининг йиғувчи-слесари Александр Веденеев.

◎ «Электрогазсветмонтаж» ремонт-қурилиш бошқармасининг вакуумчиси Владимир Шестаков.

Т. Каримов фотолари.



## Бригада зафари

Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллиги шарафига ўтказилаётган мусобақа «Ташхимсельмаш» заводи 4-цех коллективи эришаётган ютуқларни бойитишга омил бўлмоқда.

Ишчилар хом ашё, резерв ва янги техникадан самарали фойдаланиб янги-янги усулларни ишга солишаётир. Меҳнат коллективлари беллашувида тикувчилар бригадаси бошлиғи Л. Касикова етакчилик қилаётган коллектив натижаси салмоқли. 22 кишидан иборат бўлган бу аҳил оила «Н» индекси билан беқасам сумка ва хўжалик сумкаларини тайёрлашяпти. Бу сумканинг баҳоси 6 сўм 50 тийин бўлиб, ёшларбоп қилиб тикилган. Коллектив июль ойи планини 106 процент бажарди яъни 2 минг дона ана шундай маҳсулот тайёрланди.

Август ойида эса имкониятни ҳисоблаб чиқиб 3 минг дона харидоргир сумка тайёрлашга ҳаракат қилинмоқда.

Хўжалик учун чиқарилаётган сумка нархи 5 сўм 70 тийин. Бундан ташқари, шу ойда 6000 дона болалар туфлиси савдо пештахталарига етказиб берилади. Бу илғор бригада Улуғ Октябрь юбилейи кунига қадар 1988 йил январь ойи планини бажариш мажбуриятини олган.

Д. ОБЛАЕВ.

Намунали шаҳар учун

## Ободончилик ҳаммамизга боғлиқ

Районимиз территориясидаги янги бинолар атрофини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш учун жуда кўп ишларни амалга ошириш керак. Аммо бизнинг ободонлаштириш бошқармамиз бу ишларнинг уддасидан чиқмаяпти. Ҳозир 921 минг квадрат метр жой ҳар куни 368 фаррош томонидан тозаланиши керак. Аммо бугунги кунда фақат 611,7 минг квадрат метр майдонгина тозаланмоқда. Шунинг учун ҳам районимизнинг баъзи бир ерлари кўримсиз аҳволда.

Бундан бир неча ой муқаддам районимизда ирригация ободонлаштириш бўйича ихтисослаштирилган бошқарма тузилди. Унга А. Акромов бошлиқ қилиб тайинланди. Техника ва ишчилар сонининг етишмаслиги натижасида бу янги ташкил этилган бошқарма ҳам олдига қўйилган мақсадни уддалай олмаяпти. Бошқарма томонидан Космонавтлар простектининг икки томони ободонлаштирилиши керак эди. Аммо ҳозиргача биронта иш қилингани йўқ. Худди шунингдек темир йўл вокзали атрофида ҳам кўкаламзорлаштириш ишлари амалга оширилиши лозим эди. Бироқ бу ерда ҳам биронта иш қилинмади.

Кези келганда шуни ҳам айтиш керакки, районимиздаги йирик корхоналар ўзларининг територрияси атрофидаги кўчаларни ободонлаштириш ва ва кўкаламзорлаштириш оталиғини олган. Аммо баъзи бир корхона ва ташкилотлар оталиқ ёрдами бериш у ёқда турсин кўчаларга ҳар хил чиқинди ва асбоб ускуналарни олиб чиқиб ташлаб, районимиз ҳуснини бузишмоқда. Бунга мисол тариқасида «Средазэлектроаппарат» ишлаб чиқариш бирлашмасини кўрсатиш мумкин. Бу бирлашма Манжара кўчаси ва Куйбишев шоссесининг бир қисмини оталиққа олган. Шунингдек Фурқат номли маданият ва истироҳат боғи ҳам ана шу корхона ихтиёрида. Уларга бир неча бор эслатиб ўтишимизга қарамасдан ҳеч қандай иш амалга оширилмаётир. «Сантехмонтаж» тресги Афанасенко ва Чимкент кўчаларини оталиққа олган. Аммо бу кўчалардаги чиқиндиларнинг ҳаммасини ҳали йўқотмасимиздан туриб, корхонадагилар кўчага ҳар хил чиқиндилар олиб чиқиб ташлашди.

Биз шаҳар электр тармоқлари корхонаси хизматчиларининг ишидан хафамиз. Чунки улар электр кабелларидаги носозликларни бартараф қилиш учун йўл ва йўлакларни ковлашади-ю, чуқурчани кўмиб кўпинча асфальт ётқизмасдан жуфтакни ростлаб қолишади. Бундан ташқари ана шу корхона ишчилари дарахтларни кесишиб дуч келган ерга ирғитиб кетишади. Район ва шаҳарни ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш учун ҳаммамиз астойдил жон куйдиришимиз керак. Ободончилик ва кўкаламзорлаштириш ишларига ҳаммамиз масъул эканлигимизни унутмаслик лозим.

**А. БОТИРОВ,**
**район ободонлаштириш бошқармаси бошлиғининг ўринбосари.**

**КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети «Саноат корхоналарининг давлат қабули шароитларидаги иш якунлари ва уларнинг фаолият доирасини кенгайтириш тўғрисида» қарор қабул қилдилар. Қарорда айтиладики, партиянинг Ватанимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифатини тубдан яхшилаш ва бунда жаҳон даражасига эришиш йўлини, Давлат қабули жорий этилганлигини мамлакат ишчилар синфи, барча меҳнаткашлари актив қўллаб-қувватламоқдалар. Қайта қуришнинг муҳим бўғини бўлмиш Давлат қабули амалда самарали эканлигини исботлади.**

**Шу билан бирга Давлат қабули ишлаб чиқариладиган маҳсулот юқори сифатли бўлишини таъминлашда саноатда тўпланиб қолган жиддий чала ишлар ва нуқсонларни ҳам очиб ташлади...**

*Давлат қабули: сифат кафолати*

## КАДРЛАР — ҲАЛ ҚИЛУВЧИ КУЧ

Айни пайтда шаҳримизда ўн икки корхона Давлат қабули шароитида иш олиб боряпти. Шулардан бири Ленин районидаги «Қизил тонг» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасидир. **Бирлашма юбилей йилининг биринчи ярим йиллигида маҳсулот ишлаб чиқариш планини барбод этди.** Ярим йилликда план бўйича 56648 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиши керак эди. Давлат қабулига жами 45854 минг сўмлик маҳсулот тақдим этилди. Шундан 45737 минг сўмлиги қабул қилинди. Шу жумладан, биринчи тақдимда 31456 минг сўмлик маҳсулот қабул қилинди. Ўтган ярим йилликда жами 37 та рекламация олинди. Натижада 37,3 минг сўмлик жарима тўланди. Шунингдек, июль ойида ҳам план бажарилмади.

**Бу қолоқликнинг асосий сабаби — бирлашмани Давлат қабули шароитларида ишлашга бўш тайёрланганлиги, ишчи кадрлар қўнимсизлигининг юқорилиги, уларнинг ўз ишлаб чиқариш нормаларини бажармаётганликлари, меҳнат унумдорлигининг пасайиб бориши, техника назорати бўлими контролёрлари малакасининг бўшлиги, потокларни ишчи кучи билан тўла таъминланмаётганлиги, ишлаб чиқаришни бўш ташкил этилганлиги, бир маромда ишлашга риоя этилмаётганлигидир.**

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, корхонада ишчилар сафини тўлдиришга, кадрларнинг муқим ишлаб қолишига, ҳунар-техника билим юртларини битириб келаётган ёшларда меҳнатга чинакам кўникма ҳосил қилинишига эътибор берилмаётганлиги ҳам ачинарли ҳолдир. Айни кунларда бирлашма цехларида 2550 ишчи, 2 юз нафар инженер-техник ходим меҳнат қилаяпти, холос. Мавжуд ишлаб чиқариш қувватларидан ва замонавий дастгоҳлардан тўла фойдаланиш учун бирлашмага яна 750 нафар ишчи кучи керак. Ишчи ўринларининг бўш ётганлиги коллектив меҳнатчилари зиммасидаги планларнинг бажарилишига ҳам, маҳсулот сифатига ҳам салбий таъсир ўтказмоқда. Бирлашма партия, касаба союз ва комсомол комитетлари кадрлар қўнимсизлигини бартараф этиш борасида етарли иш олиб бормаяптилар.

Маълумки, бирлашмада асосан эркак ва аёлларнинг ҳамда болаларнинг мавсумбоп пальтолари ишлаб чиқарилади. Сифат учун кураш бугунги куннинг асосий талабига айлангунга қадар корхона республикадаги етакчи меҳнат коллективларидан бири сифатида донг таратган эди. Аммо Давлат қабули жорий этилгач, унинг дадил одимлари сустлашиб қолди. Бунинг сабаби юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, ишчиларнинг янги шароитда ишлашга пухта тайёргарлик кўрмаганликларида эди. Қолаверса, бирлашмадаги мавжуд технологик жараёнлар ҳам давр талаби даражасида ишлашга пухта мослаштирилмади. Инженер-техник ходимлар бу борада етарли ғайрат кўрсатмадилар.

Тўғри, айни пайтда коллектив ишлаб чиқараётган маҳсулот сифати анча яхшиланди. Биргина шу фактнинг ўзи Давлат қабули вакилларининг ўз ишига ўта масъулият билан ёндашаётганлигини, талабчанликни тобора ошираётганлигини кўрсатади. Аммо сифатни яхшилаш биргина янги система вакилларига боғлиқ эмас-ку! Ахир сифат энг аввало ишчи қўлларидан бошланади. Гарчи бирлашмада йил бошидан буён 200 га яқин янги моделдаги эркаклар ва болалар пальтолари тайёрланган бўлсада, бироқ, сифат масаласида ҳамон оқсашга йўл қўйилмоқда. Давлат қабули вакиллари ишчи жойларида бўлиб, технология интизомини бузувчилар билан суҳбат ўтказмоқдалар. Технологиянинг барча жараёнларини назорат қилмоқдалар. Ҳар бир хатолик раҳбарларгача етказилмоқда ва у ҳар тарафлама муҳокама қилиниб, бартараф этиляпти. Бироқ, бу иш ҳам ишчиларнинг масъулиятсизликлари, ўз ишига талабчанликни бўшаштириб юборганликлари туфайли суст амалга кўчмоқда. Техника назорати бўлими тўла комплектланди, ўқув ва аттестация ўтказилди. Лекин шунга қарамай, назоратчиларнинг малакаси бўш. Техника назорати бўлими контролёрлари бракчиларга талабчан бўлмаяптилар, ташаббус кўрсатмаяптилар. Ўз вазифасига совуққонлик билан қарамоқдалар. Натижада Давлат қабули томонидан юқорида биз тилга олган рақамлардаги талайгина маҳсулот қайта ишлашга қайтарилмоқда.

— Июль ойида ялпи тайёрланган маҳсулотнинг биринчи тақдимида 74 проценти қабул қилиб олинди, — дейди корхона Давлат қабул органининг бошлиғи Маъмура Обидова. — Илгари бу кўрсаткич бундан ҳам паст эди. Масалан, биринчи кварталда ялпи маҳсулотнинг 64 проценти, иккинчи кварталда эса 72 проценти биринчи тақдимдаёқ қабул қилинган эди. Сўнгги кварталнинг дастлабки ойларида бу кўрсаткични 80 процентга етказишни мўлжаллаяпмиз.

Дарҳақиқат, Давлат қабули органи вакиллари ишда фаоллик кўрсатишга ҳаракат қилмоқдалар. Улар чинакамига сифат жонкуярларига айланиб қолишган. Уларнинг ташаббуси билан корхона меҳнатчиларининг социалистик мусобақаси шартлари қайта кўриб чиқилиб, бригадалар ўртасидаги кўрик-конкурснинг янги талаблари юзага келди. Унда сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича биринчи ўринни олган бригадага — 500 сўм, иккинчи ўринга — 400 сўм, учинчи ўринга эса — 300 сўм миқдорида пул мукофоти таъсис этилди. Махсус комиссия қарорига мувофиқ бериб бориляпти. Бундан ташқари юздан ортиқ таъминотчи корхоналар юбораётган маҳсулот сифати устидан ҳам қаттиқ назорат ўрнатилган. Сифатсиз маҳсулот йўллаётган корхоналар билан алоқа боғланиб, хом ашё сифатини яхшилаш бўйича конкрет тадбирлар белгилаб олиняпти. Натижада Могилёв шаҳридаги ишлаб чиқариш бирлашмасининг, Одессадаги сукно фабрикасининг, Читадаги сукно-камфоль бирлашмасининг баъзи бир сифатсиз матолари ишлаб чиқаришдан мутлақо олиб ташланди. Ўтган ярим йиллик мобайнида таъминотчи корхоналарга 127,3 минг сўмлик, яъни 80 та рекламация жўнатилди. Натижада хом ашё таъминоти кейинги ойда бир мунча тартибга солинди. Бу туфайли бирлашмада тайёрланаётган маҳсулот сифатида жиддий ўзгаришлар содир бўлди.

Давлат қабули вакиллари техника назорати бўлими назоратчилари малакасини оширишга ҳам катта эътибор беришмоқда. Ўнга яқин ишлаб чиқариш операциялари ҳозир корхонада тўла автоматлаштирилган. Бу ишларни амалга оширишда Робия Султонхонова, Гулнора Рафиқова, Нурия Сагаддинова, Людмила Севастьянова, Любовь Дикова, Зикир Раҳимов каби Давлат қабули вакиллари ташаббус кўрсатиб ишлашди. Бирлашмада сифатсиз ва брак маҳсулот ишлаб чиқаришга қарши муросасиз кураш олиб борилмоқда. Сифатсиз маҳсулотни давлат қабули вакиллиги тавсия этган айбдорлар моддий ва маънавий жиҳатдан жазоланишяпти. Масалан, биринчи филиал ишчилари Содиқова, Бойназарова, Қодирова, Гавришко, Узумбоева ва Қўчқоровалар ана шундай хатога йўл қўйгани учун июнь ойида мукофот пулининг 50 процентидан маҳрум этилди. Технолог Р. Абрасимова, О. Червонова, Н. Қуртмаматова, В. Чернешевалар эса сифатсиз маҳсулотни Давлат қабулига тавсия этгани учун ҳайфсан олишди. 6-цех бошлиғи З. Нонешева ҳам маҳсулот сифатига яхши эътибор бермаганлиги учун қаттиқ огоҳлантирилди. Шу цехнинг бир гуруҳ ишчилари эса 30 процент мукофот пулидан маҳрум бўлишди. Бундай тадбирлар албатта ўз самарасини кўрсатмасдан қолмаяпти.

Бирлашмада тайёрланаётган маҳсулотлар сифатини янада яхшилаш масаласи ҳамон кун тартибида турибди. Бунинг учун корхонада аввало бир қанча муҳим масалаларни тезлик билан ҳал қилиш лозим. Энг зарури эса бирлашмада бўшаб ётган ишчи ўринларини тўлдириш керак. Шуниси ажабланарлики, бирлашмада ҳатто сифат бўйича бош директор ўринбосари ўрни ҳам май ойидан буён бўш турибди. Бу масалани ҳам зудлик билан ҳал қилиш чорасини кўриш керак.

— Бирлашмамизда биринчи тақдимдаёқ қабул қилинадиган маҳсулотнинг ҳажмини ошириш борасида тинмай изланяпмиз, — дейди М. Обидова. — Тикувчиларимиз Улуғ Октябрнинг 70 йиллик юбилейини маҳсулот сифатини янада яхшилаш билан кутиб олиш учун астойдил меҳнат қилмоқдалар. Бу меҳнат албатта ўз самарасини кўрсатади, деб ишонамиз. Куни кеча КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети қабул қилган янги қўшимча қарорда ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини тубдан яхшилаш ишларини янада кучайтириш мақсадида министрликлар, идоралар, Иттифоқдош республикалар Министрлар Советлари, жойлардаги бирлашмалар ва корхоналар раҳбарлари, партия ва совет органлари зиммасига халқ хўжалиги самарадорлигини ошириш ва совет кишилари фаровонлигини янада яхшилашнинг муҳим омили сифатида юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминлаш учун иқтисодий-техникавий ва социал шароитлар яратиш борасидаги ишларни матонат ва изчиллик билан ўтказиб бориш вазифасини юклади. Демак, биз ана шулардан хулоса чиқариб, Давлат қабули шароитларида талабчанликни янада оширишимиз зарур.

Т. ЮШЕВ.

# ЯНГИ УЙЛАРДАН МАМНУНМИСИЗ?

**Уй-жой қурилиши—«ТО» назоратида**

**Ленин райони шаҳримизнинг йирик ва шу билан бирга саноати ривожланган, илмий муассасаларга бой районлардан биридир. Шаҳарнинг обод ва кенг проспектлари равон кўчалари, замонавий архитектура ансамбллари, кўркам ва соя-салқин хиёбону боғ-роғлари район ҳуснига-ҳусн қўшиб турибди. Зеро, Ленин райони катта қурилиш майдонига ҳам айланган. Район территориясида янгидан-янги кварталлар, микрорайонлар бунёд этилмоқда. Юзлаб ҳамшаҳарларимиз янги уйларга кўчиб ўтмоқдалар. Шу йилнинг ўтган етти ойи мобайнида Ленин районида 65 минг квадрат метр уй-жой фойдаланишга топширилди. Хуллас, район тасарруфидаги микрорайон ва квартал қурилишлари жадал суръатда давом этмоқда. Аммо фойдаланишга топширилаётган уйларнинг кўриниши аниқроғи, иш сифати шу куннинг талабига жавоб берадими! Қурувчилар лойиҳа асосида иш юритишяптими! Меъморларнинг ечимлари тўла амалга оширилаяптими! Аҳоли уйлар сифатидан мамнунми! Нега улар янги уйларни ремонт қилишяпти! Сайёр редакциямиз йўлга чиққан куни ана шу саволларга жавоб изладик.**



Ленин районида осмонўпар уйлар жуда кўп. Эътибор берган бўлсангиз, яқинда Космонавтлар проспектида яна бир ўн олти қаватли уй пайдо бўлди. Уйга кўчиб кирганлар, албатта марказдан шундай замонавий уй олганларидан беҳад хурсандлар. Чунки уй архитектурамизнинг сўнгги ечимлари асосида қурилган. Бинонинг биринчи қаватига жойлашган турли маданий-маиший ва савдо объектлари аҳолига қулайлик яратмоқда. Яқинда «Ойбек» метро станцияси ёнида ҳам ана шундай булутқучар уй қад ростлади. Уйнинг адреси Лоҳутий кўчаси, 5-уй. Ушбу уй комитетининг раиси Ангелина Сорочинская кўп йиллар 2-уйсозлик комбинатида сувоқчи-бўёқчи бўлиб ишлаган. Ўзи шу уйнинг 124-квартирасида истиқомат қилмоқда. Яқинда пенсияга чиққан.

— Янги уйдан мамнунмиз, — дейди у. — Аммо қурилиш сифатига келсак, очиғини айтганда ранжийсан киши. Янги квартирага кирган ҳар бир киши ремонт қилмасдан иложи йўқ. Кўп қўшнилар ҳам ремонт қилишди. Май ойида бошланган ремонт ишлари ҳамон давом этяпти.

— Асосий носозликлар нималардан иборат?

— Уйни II-«Висотстрой» трестига қарашли 75,76-қурилиш бошқармалари қуришган. Қурувчилар ишнинг осон йўлини кўзлаб, лойиҳадан анча четга чиққанлар. Натижада, шундай гўзал бинода айрим камчиликлар юздаги сўгалдек кўзга ташланади. Айтайлик, балконлар аниқ жой-жойига ўрнатилмаганлиги учун бир балкондан томган ёмғир бошқа бир нечтасига томиб, деворлар муттасил намланиб қолмоқда. Деразаларнинг пештоқига соябон-тўсиқлар ўрнатилмаганлиги учун ёққан ёмғир тўғри уй ичига сачрайди. Паркетли поллар сифати мутлақо талабга жавоб бермайди: Қинғир-қийшиқ, ўнқир-чўнқир ва ҳоказо.

Суҳбатимизга 122-квартирада истиқомат қилувчи уй бекаси Ирина Любимская қўшилди.

— Янги уйга кўчиб кириш ҳаммага ёқади. Аммо янги уйни уй қилишга кетадиган вақт ва маблағ кишини чақади. Майли, у ёғини қўйиб турайлик. Янги уйни сув билан, айниқса иссиқ сув билан таъминлашдаги узилишлар асло тўхтамаяпти.

Учинчи қаватда яшовчи отахон, уруш ва меҳнат ветерани Жўра ака Фармонов ҳам куйиниб гапирди:

— Илгари Қўйлиқ массивининг 4-микрорайонида, Толариқ деган жойда яшар эдик. Бу ерга уйимизни кенгайтириб кўчиб келдик. Бундан партия ва ҳукуматимизга мингдан-минг раҳмат. Толариқнинг бўйида чойхона бўлиб, у ерда кексалар мириқиб дам олишар эди. Бу ерда кафе-чойхона бор экан. Аммо бу ерда қариялар кўнгилдагидек дам олишолмаяпти. Агар иложи бўлса шу атрофда чойхона барпо этилса, айни муддао бўларди. Чунки биз яшаётган уйда ва қўшни «дом»ларда кексалар жуда кўп...

Ўн олти қаватли уйнинг топширилганига анча бўлсада, ҳали атрофида ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари амалга оширилмабди. Бу ерда қулф урган на бир туп гул кўчати, на бир туп мевали дарахтни учратасиз. Баҳорда зўрма-зўраки қадалган дов-дарахтлар сувсизликдан қовжираган. Кўп қаватли уйнинг атрофида турли-туман бегона ўтлар ва супурги ўтлар қаровсиз ҳолда ўсиб ётибди.

Ана шу уйларнинг яна бир ўзига хос муоммаси бор. Лойиҳа ҳужжатларида ҳар хил ўйинлар ўтказишга мўлжалланган болалар майдончаларини кўриб ҳавасингиз келади. Аммо янги уйлар қурилади-ю, болалар майдончалари ўрнида темир гаражлар қўзиқориндек пайдо бўлиб қолади. Уй фойдаланишга топширилаётганда давлат қабул комиссияси аъзолари ҳам кўзларини чирт юмиб, актга қўл қўйиб юборадилар. Биз юқорида ҳикоя қилган осмонўпар уйларнинг болалар майдончалари ҳам гражданлар билан тўлдирилган. Унинг ўрнида 50 дан ортиқ автомобиль гаражлари қаққайиб турибди. Болалар учун эса майдонча катта ва серқатнов кўчага ёндош жойдан ажратишга мўлжалланибди. Ҳар қалай катталар болаларни унутмабдику, дерсиз. Аммо масаланинг бошқа томони бор. Атрофдаги кўп қаватли уйларнинг болалар майдончалари ҳам «гараж-шаҳарчаларга» айлантирилганлиги учун барча кўп қаватли уйларда яшовчи болалар бу четдаги майдончага ёғилиб келишади. Ўз-ўзидан маълумки, бу майдон «танг»лик қилиб қоляпти. Космонавтлар проспектининг Лоҳутий кўчасига туташган йўл ёқаларидан уйларда яшовчилар болаларнинг майдончаларини томорқага айлантириб юборганлар. 10/1,12 даги уйларда яшовчилар болаларнинг майдончалари ана шундай ачинарли аҳволда.

Биз бу ерда меъморларни айблай олмаймиз. Чунки, лойиҳани чизган мутахассислар албатта болалар майдончалари бўлишини кўрсатишган. Қурувчилар ҳам бунга риоя этишади. Фақат ўзбошимча оталаргина лойиҳага ўзбошимчалик билан «таҳрир» киритишиб, уларни гараж ёки томорқага айлантирадилар. Юқоридаги фактлар ана шундан далолат беради. Аммо 73-турар-жойдан фойдаланиш участка бошлиғи Г. А. Ким бу ишлардан бехабар кўринади, шекилли. Акс ҳолда келажагимиз бўлган кичкинтойларга астойдил ғамхўрлик қилган бўлар эди...

Агар эътибор берган бўлсангиз, Чехов кўчасида шарқ услубида бежирим бир кошона барпо этиляпти. Ҳали битмаган бўлсада, бу иншоот кўпчиликда ҳайрат уйғотмоқда. Ундаги ҳар бир ғишт, ҳар бир устун, ҳар бир нақш санъат асари даражасида маҳоратга йўғрилиб, жило топяпти. Совет — Ҳиндистон фестивалининг Тошкентда ўтказиладиган кунларига атаб қурилаётган бу кафе «Сангам» деб номланган. Ушбу бино тошкентликларнинг севимли масканига айланиши турган гап. Унга қараб туриб, наҳотки шаҳримиздаги уйларни, бошқа биноларни ҳам ана шундай мукаммал қуриш мумкин эмасми? — деган савол туғилади.

Бироқ, турар-жой бинолари қурилишига келганда, бундай дея олмайсиз. Ленин райони кўчалари бўйлаб ўтар экансиз, ҳамон ўша қутича уйлар саф-саф тортиб, сизни қарши олади. Райондаги 14 ташкилот ва йирик корхоналар ўз маблағи ҳисобига турар жой бинолари қуриш ташаббусига қўшилдилар. Бу яхши. Улар ўз кучлари билан беш йиллик охиригача 58 минг квадрат метр уй-жой қуриб, фойдаланишга топширишни мўлжаллашаяпти. Қуриладиган уйларнинг смета-ҳужжатлари тайёрланиб, қурилиш ишлари бошлаб юборилди. Афсуски, ана шу лойиҳа ҳужжатларининг кўпчилиги тез ва арзон қуриш мақсадларини кўзлаб тайёрланган. Бинолар қад ростлагач, улар аҳолига ёқадими, йўқми, буни билмадик. Лекин ҳозир айни пайти, ана шу масала устида бош қотириш керак.

— Районимиз бўйича асосан учта турар жой массивида янги микрорайонлар қурилиши жадал суръатда олиб борилмяпти, — дейди район Совети ижроия комитети раиси ўринбосари Ш. Ҳ. Ҳикматов. — Ҳозиргача Павлов — Жуковский кўчалари бўйлаб барпо этилган микрорайонда тўртта тўққиз қаватли уйни қуриб, фойдаланишга топширдик. Айни пайтда «Г—119» микрорайонида қурилган уйларда ҳам сўнгги пардоз ишлари олиб бориляпти. Бу микрорайон Космонавтлар проспекти, Сапёрлар ва Лоҳутий кўчалари кесишган жойда бунёд этилмоқда.

— Турар-жой биноларини комплекс қуриб, фойдаланишга топшириш бўйича қандай ишлар амалга оширилаяпти?

— Аҳолининг яхши яшаши учун зарур бўлган барча қулайликларга эга микрорайонларни қуришга киришганмиз. Ана шундай микрорайонлардан бири Госпиталь бозори атрофида барпо этилади. Ҳозир қурилишнинг биринчи навбатига киришилди. Бу микрорайонда 33 синф-хонали мактаб, 2 та болалар боғчаси, 2 та ишчилар ётоқхонаси, маданий-маиший объектлар замонавий лойиҳалар бўйича қурилади. Турар жой бинолари 3-уйсозлик комбинати томонидан «148-серия» бўйича 9 қаватли қилиб, барпо этилади. 4 қаватли ғиштин бинолар, 16 қаватли турар жой биноси қуриш ҳам лойиҳада бор. Микрорайоннинг биринчи навбати қурилиши 1988 йилда охирига етади.

Бундан ташқари Куйбишев ва «Новий путь» кўчалари кесишган жойда янги микрорайон барпо этилади. Ҳозир қурилиш ишларига тайёргарлик бораяпти. Бу ерда 6 та беш қаватли турар-жой бинолари қад ростлайди. Микрорайон қурилишининг иккинчи навбатида бу ерда маданий-маиший объектлар барпо этиш кўзда тутилган.

Сапёрлар ва Полторацкий кўчалари бирлашган жойда «Ивлив» турар-жой массивининг биринчи навбати қурилиши жадал олиб борилмоқда. 1988 йилда бу ерда учта 16 қаватли, 3 та тўққиз қаватли турар жой биноларини қуриб, фойдаланишга топширилади.

Шуни ҳам айтиш керакки, 1988—1990 йилларда Қўйлиқда яна иккита микрорайон қурилиши лойиҳаси тузилган. Ҳозирги Қўйлиқдаги 1, 2, 3 ва 4-микрорайонларни янада ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари олиб борилаяпти...

Шукрулло Ҳикматович районда олиб борилаётган қурилиш ишлари ҳақида батафсил гапирар экан, бизнинг диққатимизни микрорайонларнинг атама номлари тортди: «Ивлив», «Госпиталний», «Г—119»... Беихтиёр ўйладим: турар-жой массивларига замонавий ва гўзал номлар бериш лозимлиги ёдимиздан кўтарилиб қолмаяптими? Бу ҳақда ёзувчи ва олимларимиз матбуот саҳифаларида, айнан «Тошкент оқшоми» газетасида кўп бор чиқиш қилиб, ҳаққоний равишда огоҳлантиришди-ку!

Райижроком раисининг ўринбосари билан суҳбатлашиб бўлгач охирги саволни бердим:

— Турар-жой биноларига кўчиб ўтганлар янги уйдан мамнун бўлишаяптими?

— Тўғрисини айтиш керак, — деди ўринбосар, — янги уйларга кўчиб кирувчилар мамнун бўлиши учун ҳали кўп иш қилишимиз керак. Қурилиш соҳасида қайта қуриш суст бормоқда. Вазифа — уни жадаллаштиришдан иборат.

Ш. Ҳ. Ҳикматов ҳисоб-китоб қилиб, Ленин райони меҳнаткашларига Улуғ Октябрнинг 70 йиллик байрамига қадар 75 минг квадрат метр уй-жой тортиқ этишини айтди. Бу — яхши, албатта. Аммо истардикки, бу уй-жойларга кўчиб кирган ҳар бир киши янги уйнинг мукаммаллигини кўриб, ростмана мамнун бўлса!..

**А. АМИНОВ.**

**«Тошкент оқшоми» сайёр редакцияси**

# ЛЕНИН РАЙОНИДА



# МЕҲМОН ОТАДАН УЛУҒ

Ҳар куни шаҳримизга минглаб меҳмонлар келиб-кетишади. Ленин райони территориясида жойлашган темир йўл вокзалининг ўзигагина бир суткада 20 та поездда 8—10 минг йўловчи ташриф буюриб, манзилига ошиқади. Хўш, бу меҳмон ва мезбонларга темир йўл вокзали хизматчилари қандай хизмат кўрсатишмоқда?

Вокзал яқинидаги олдиндан билет сотиш кассаси биноси олдида одам гавжум.

— Қаёққа суқулаяпсиз, билет олгани кеча кечқурундан бери навбатда турибмиз, — деди олтмишлар атрофидаги дўппи кийган киши.

Ён-атрофга қарадик. Бино зали йўловчилар билан тўла эди. Ҳар бир касса олдида 20—30 одам, терлаб-пишиб билет олиш учун навбатда туришарди. Залда 20 та касса бўлиб, шундан 16 таси ишларди. Эртаси куни яна бир бор текшириш ўтказганимизда эса саккизта касса ишлаётганлигининг гувоҳи бўлдик. Яна бунинг устига баъзи кассалар «Касса соат 8—13 гача ишлайди» деб эълон осиб қўйибди.

— Кассирлар етишмайди, — деб оқламоқчи бўлди ўзини олдиндан билетлар сотиш кассасининг мудири Н. Попова. — Бугун 22 августга билет сотмоқдамиз. Ҳар куни 3—4 минг билет сотилади. Нима учундир икки-уч кундан бери билет оладиганлар сони кўпайиб кетди. Яна бунинг устига баъзи кассирларимиз тез-тез касал бўлиб туришади. Ишлашга одам йўқ.

— Бу ҳақда темир йўл вокзали раҳбарлари билишадими?

— Албатта, битта, иккита кассир билан ёрдам беришади. Аммо...

Залда қора тер босиб юрган Улуғ Ватан уруши инвалидлари, меҳнат ветеранлари, Қаҳрамон оналарни кўриб, кичкинтойларнинг йиғисини эшитиб, раҳмингиз келади. Наҳотки 1—2 киши лоқайдлиги оқибатида юзлаб йўловчилар билет олиш учун шунчалик қийналишса?!

— Бизда телефон орқали буюртма қабул қилиб, билетларни уйга элтиб берадиган бюро ҳам ишлаб турибди, — дейди Н. Попова, — ҳар куни 4—5 та машинада 250—300 та билет ҳамшаҳарларимизга етказиб берилади.

Редакция ана шу бюро хизматининг қониқарсиз ишлаётганлиги ҳақида газетхонлардан шикоят олган эди. Бу хатнинг муаллифлари 33-41-04 телефонига қўнғироқ қилиб ҳеч боғланолмаётганларидан шикоят қилишмоқда.

— Суткалаб қўнғироқ қилиб ушбу телефонга туша олмаймиз, — деб ёзади газетхон А. Собиров. — Менимча, телефон орқали буюртма қабул қиладиган диспетчерлар телефонларини олиб қўйиб дам олишади ёки бўлмаса хоналарда ўтиришмайди.

Телефонлар орқали темир йўл билети учун буюртма қабул қиладиган бўлим бошлиғи Х. Исамуҳамедова хонасидамиз.

— Диспетчерларимиз олтита бўлиб, кун ора ишлашади, — дейди бўлим бошлиғи. — Ёз мавсумида улгура олмаймиз. Бор-йўғи учта телефон, хоналар кичик.

Бўлим мудирининг шикоятига қўшилган ҳолда бир таклиф киритмоқчимиз. Мумкин бўлса билетлар учун буюртмалар фақат диспетчер телефони орқали қабул қилиниб, ичкарига худа-беҳуда кириб чиқадиганларга чек қўйиш керак. Яна бизнингча бўлим мудири учун кенг хонанинг унча кераги йўқ. Фақат ёз мавсумида ана шу хонадан қўшимча (имконияти борича) диспетчерлар учун ўрин ажратилса ва шаҳар телефони диспетчерлар ихтиёрига берилса дуруст бўларди.

Ҳозир Ўрта Осиё темир йўли бошқармасининг барча жабҳаларида белорус темир йўлчиларининг тажрибаси актив жорий этилмоқда. Аммо тўғрисини айтиш керакки, шаҳримиз темирйўлнинг бир қанча соҳаларида бу янгиликка яхши тайёргарлик кўрилмасдан ўтилди. Буни қуйидаги мисолдан ҳам яққол англаб олиш мумкин. Ўтган йили олдиндан билет сотиш кассасида штатлар тўлиқ бўлиб, кассирлар 90 сўм маош олишарди. Ҳозир эса кассирларнинг қисқариши ҳисобига уларнинг ойлиги 120 сўмга чиқди. Аммо бажариладиган иш ўша-ўша. Билет олиш учун турувчилар сони кўпайса кўпайдики, аммо камаймади. Нега? Чунки олдин 20 та кассанинг ҳаммасида кассирлар билет сотишган бўлса ҳозир қисқариш ҳисобига деярли ҳар куни тўртта, бешта касса ишламай қолади. Кассирлар манфаатини кўзлайдиган ва йўловчилар учун ноқулайлик туғдирадиган бундай янгилик кимга керак?

Ҳозир мамлакатимизнинг ҳамма жойида қайта қуриш кетмоқда. Бу қайта қуришда янгиликларга интилиш зарур. Қайта қуриш аввало ҳар бир коммунистдан ва аввало раҳбардан шахсий намуна кўрсатишни, таъбир жоиз бўлса, фидокорликни талаб қилади. Негадир ҳалигача баъзилар буни тушуна олмаяптилар. Буни биз шаҳримиз темир йўл вокзалининг олдиндан билет сотиш бўлими ишида йўл қўйилаётган баъзи камчиликлар мисолида ҳам кўрдик. Ўйлаймизки, темир йўл раҳбарлари йўл қўйилган камчиликларни тезда бартараф қилиб, йўловчилар учун барча қулайликларни яратишади.

**Р. ФАЙЗУЛЛАЕВ.**

# Куюнчанлик керак




Темирйўлчилар маданият саройи Ленин райони бўйича энг катта маданият масканларидан саналади. Ўнлаб бадиий ҳаваскорлик тўгараклари, фотомухлислари, инглиз тили, тикиш ва бичиш, шунингдек болаларга мўлжалланган ўнга яқин тўгараклар, курслар бу ерда мунтазам фаолият кўрсатиб келмоқда.

Маданият саройининг санъат коллективлари корхона ва ташкилотларнинг меҳнаткашларига юксак маданий хизмат кўрсатганликлари учун бир неча бор фахрий ёрлиқлар, дипломлар билан тақдирланган. Бу ерда таниқли санъаткорлар кино усталари, мамлакатимизнинг машҳур кишилари билан мунтазам учрашувлар уюштириб турилади. Масалан, СССР Давлат мукофоти лауреати, РСФСР халқ артисти, СССРда хизмат кўрсатган спорт мастери, таниқли спорт шарҳловчиси Николай Озеров, республикамизнинг «Пахтакор» футбол командаси билан учрашувлар кўпчиликнинг олқишига сазовор бўлди. Маданият масканида биринчи марта «Кино дўстлари клуби», «Темирйўлчилар шуҳрати музейи», шунингдек, араб тилини ўргатиш курслари очилди. Улар айни пайтда фаол иш олиб бормоқда.

Маданият саройи бутун Ўрта Осиё темир йўли бўйича кино хизмати кўрсатиш вазифасини кўп йиллардан буён ўз зиммасига олиб келмоқда. Темирйўлчиларга намунали кино хизмати кўрсатиш, уларнинг яхши дам олишларига муносиб ҳисса қўшиш борасидаги ишлар яхши бажарилмоқда. Натижада маданият саройи коллективи кино хизмати кўрсатиш бўйича социалистик мусобақада биринчи ўринни олиб келмоқда. Бу коллектив, шунингдек, ичкиликбозликка қарши олиб борган фаол тарғибот ишлари учун «Узсовпроф»нинг дипломи билан тақдирланди. Шу йилнинг апрель-май ойларида эса маданият саройининг санъат коллективлари «Комсомольская правда» газетасининг таклифи билан Тюмень меҳнаткашлари ҳузурида меҳмон бўлиб, уларга ўз санъат ва маҳоратларини намойиш қилишди, ишчиларнинг яхши дам олиши учун муносиб улуш қўшиб келишди.

Ҳозирги кунда маданият саройида «Халқ ансамбли» деган шарафли номга сазовор бўлган тўртта коллектив бор.

Бироқ, муаммолар ҳам йўқ эмас. Маданият саройи 2-категорияли. Ваҳоланки, унинг 1-категорияли бўлишига тўла асос бор. Бунга нима халақит бермоқда? Халақит бераётган нарсалар айни шу ернинг ўзида жойлашган. Маданият саройига умуман алоқаси бўлмаган техник кутубхона, профориентация, шунингдек ДЦНТИ кабинетлари хоналарни эгаллаб турибди. Улар бўлмаганда бу хоналарда янги ташкил этилаётган тўгаракларни жойлаш мумкин бўларди.

Маданият саройи штатида турган ходимлар салкам 60 кишини ташкил этади. Уларнинг ҳар бири, бажараётган ишидан ташқари, ўзининг тирикчилиги, оиласи, бола-чақаси бор. Баъзилар уй-жой шароитини яхшилашга муҳтож. Масалан, бал рақси ансамблининг раҳбари Р. Кан уй олиш учун биринчи ўринда турибди. Бироқ мана неча йилдирки, у ҳамон «биринчи».

Дам олиш уйлари, марказий санаторийларга йўлланмалар масаласи ҳам худди шу тарзда. Бу коллектив бошқаларнинг яхши дам олишларига куюнчаклик кўрсатса-ю, ўзига келганда битта йўлланмани ҳам ололмаса — бундан ёмони йўқ. Ўйлаймизки, масаланинг ана шу томонларига ҳам эътибор қаратилиши керак.

Айни пайтда Маданият саройи коллективи Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллигини муносиб кутиб олиш учун жиддий тайёргарлик кўрмоқда. Бу ерда, шунингдек, Ўрта Осиё темирйўли яратилганининг 100 йиллигини нишонлашга ҳам қизғин ҳозирлик кўрилмоқда. Ана шундай қутлуғ саналар остонасида Маданият саройи коллективини қийнаётган, кўринишда майда-чуйда туюлаётган, аслида инсонларнинг ҳаёти, турмуш шароити билан боғлиқ масалалар ҳал қилинишига биз умид боғлаймиз. Куюнчаклик икки томонлама бўлгандагина бу масалаларнинг амалда ҳал қилинишига шубҳаланмаса ҳам бўлади.

**С. САЛОҲИДДИНОВ.**

**СУРАТДА: Маданият саройи рақс тўгараги қатнашчилари машғулот ўтказишмоқда.**

# Яхши дам олинг

## «ХИВА ОРДЕНИ»

Бугун Алишер Навоий номидаги Меҳнат Қизил Байроқ орденли Ўзбекистон ССР академик катта опера ва балет театрининг коллективи ўзининг 59-мавсумини бошлайди. Томошабинлар диққатига шу йил саҳналаштирилган «Майсаранинг иши» комик операси кўрсатилади. «Ҳужум» ҳаракатининг 60 йиллигига атаб тайёрланган бу спектакль санъаткорларнинг ўзига хос совғасидир. Асар либреттоси ўзбек совет адабиётининг асосчиларидан бири Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг энг яхши сатирик комедиялари воқеалари асосида ёзилган.

Эртага бу театрда «Иоланта» намойиш этилади. 23 августда эса «Қуёшга таъзим қил» спектакли томошабинлар диққатига ҳавола қилинади. Бу асарнинг бош қаҳрамони оддий ўзбек қизи Санобар Камолова бўлиб, у мураккаб ҳаёт йўлини босиб ўтган аёлларнинг тимсолидир.

**Театр директори, Ўзбекистон ССР халқ артисти Қўрқмас Муҳиддинов мухбиримизга қуйидагиларни маълум қилди:**

— КПСС Марказий Комитетининг қатор Пленумлари қарорларидан илҳомланган санъаткорларимиз ҳаётимизнинг барча соҳасида бораётган қайта қуриш ва жадаллаштириш умумхалқ ҳаракатига муносиб ҳисса қўшишга ҳаракат қилаяптилар. Айни пайтда Улуғ Октябрнинг 70 йиллигига атаб мамлакатимизнинг босиб ўтган катта тараққиёт йўлини акс эттиришга қаратилган саҳна асарларини ҳам тайёрлашга бел боғланган. Шулардан бири «Хива ордени» деб аталади. Маълумки, совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида Хоразм Халқ Республикаси пролетариатнинг улуғ доҳийси Владимир Ильич Ленинни революция олдидаги буюк хизматлари учун ўзининг ордени билан тақдирлаган эди. Бу асарнинг музикасини Рустам Абдуллаев басталаган. Бундан ташқари, ўзбек совет классик адабиётининг энг улкан асарига қўл уриш тараддудидамиз. У Алишер Навоийнинг «Хамса» достонидир. Беш достон асосида яратиладиган саҳна асарига композитор Улуғбек Мусаев музика ёзиб тугатмоқда.

## ТОМОШАБИНЛАРГА ҚУЛАЙЛИК

Ҳамза номидаги Ленин орденли академик драма театри коллективи меҳнат отпускасида бўлганлиги муносабати билан санъат масканининг биноси вақтинча республика сатира театри ихтиёрига бериладиган бўлди. Шундай қилиб, 24 дан 27 августгача театр саҳнаси бир неча сатирик саҳна асарлари билан яна гавжум бўлади. Томошабинлар 24 августда Шукруллонинг «Жанжал», 25 августда Абдулла Қаҳҳорнинг «Тобутдан товуш», 26 августда Саид Аҳмад, Ориф Фармон, Носир Отабоевларнинг «Гап эгасини топади», 27 августда Фарҳод Мусажоновнинг «Сабил қолди» бир пардали комедияларини томоша қиладилар. Кейинги асар томошабинлар диққатига биринчи марта ҳавола этилмоқда. Томошалар ҳар куни соат 19 дан 30 минут ўтганда бошланади.

## КИНО АРТИСТИ БИЛАН УЧРАШУВ

Шу кунларда РСФСРда хизмат кўрсатган артист Маргарита Терехова Тошкент томошабинларининг меҳмони бўлиб турибди. Маълумки, бу санъаткор машҳур кинорежиссёр Тарковскийнинг «Кўзгу» бадиий фильмида бош ролни ўйнаб, муваффақият қозонган эди. Москвалик санъаткор 22—23 август кунлари соат 17 ва 19 дан 30 минут ўтганда республика Билимлар уйида бўладиган учрашувда ўзининг ижодий йўли ва режалари ҳақида гапириб беради. Учрашув охирида «Кўзгу» фильми кўрсатилади.

## АКАДЕМИК НОМИДАГИ КЎЧАДА

Ўзбекистонда геология фанини тараққий эттиришда жуда катта ҳисса қўшган ва республика Фанлар академияси президенти лавозимида ишлаган Ҳабиб Абдуллаев халқимизнинг атоқли фарзандларидан бири. Акмал Икромов районида олим номи билан аталадиган маҳаллада минглаб хонадон истиқомат қилади. 22 август куни шу маҳаллада ўзбек олими Ҳабиб Абдуллаев ҳаёти ва илмий фаолияти шарафига маҳалла байрами ўтказилади. Уни Абдулла Қаҳҳор номидаги маданият уйи ташкил этган.

## «НУРАФШОН»ДА УЧРАШУВ

Октябрь районидаги «Нурафшон» атеизм клубида «Ҳужум» ҳаракатининг 60 йиллигига бағишлаб район хотин-қизларининг тантанали маросими бўлади. Унда Тошкент шаҳрида паранжи ташлашда қатнашган — ҳозирда нуроний онахонлар Хайриниса Содиқова, Ҳикоят Ҳасанова, меҳнат илғорларидан Ленин ордени кавалери бадиий буюмлар фабрикаси мастери Саодат Тоҳирова, «Малика» бирлашмасининг тикувчи-мотористкаси Антонина Просина ва бошқалар қатнашадилар. Бу ерда Октябрь районидаги Алишер Навоий номидаги ва 3-маданият уйларининг ҳаваскорлари концерт берадилар, республика сатира театрининг артистлари Ҳамзанинг сатирик асарларидан саҳналар ижро этадилар.

## ҚОВУН САЙЛИГА МАРҲАМАТ

Ўзбекистон полизларида қовун ва тарвузлар ғарқ пишди. Бозорларимиз, гузарларимиз тилими тилни ёрадиган неъматлар билан янада файзли бўлди. Максим Горький номидаги маданият ва истироҳат боғига 22 ва 23 август кунлари соат 12 дан ташриф буюрувчи ҳамшаҳарларимиз Сирдарё областининг пайкалларидан келтирилган ранг-баранг қовун-тарвузлар савдоси устидан чиқишади. Ўнлаб машиналарда бугун ана шу неъматлар ташилмоқда.

Оромгоҳдаги қовун сайлида «Она ер саховати» театрлаштирилган байрами бу тадбирга яна файз киритади. Унда Тошкент театрлари, Ўзбек Давлат филармонияси ва Украинанинг Карпат ўлкасидан келган санъаткорлар маҳоратларини намойиш этадилар.

## БЎСТОНЛИҚ — ОРОМ МАСКАНИ

Тошкент саёҳат ва экскурсиялар бюроси ҳамшаҳарларимизнинг шанба ва якшанба кунларини мароқли ўтказиш мақсадида Бўстонлиқ районида жойлашган Оқтош, Чорвоқ, Юсуфхона дам олиш масканларига путёвкалар тарқатди. У ерга борадиган коллективлар орасида 1 ва 31-поликлиникалар, 15-шаҳар касалхонаси, 5-такси парки, 1-автобус комбинати, Тошкент тикув ишлаб чиқариш бирлашмаси, 2-пойафзал фабрикаси, «Ташжилпроект» институти, Тошкент Давлат цирки, аэровокзал, суд-медицина экспертизаси хизмати сингари 50 га яқин корхона ва муассасаларнинг ишчи ва хизматчилари бор. Бундан ташқари, бир қатор корхоналарнинг ишчи ва хизматчиларидан ташкил топган саёҳатчи группалар махсус автобусларда шанба ва якшанба кунлари саёҳат қилиб дам олиш учун Ўзбекистон, Тожикистон, Қирғизистон, Қозоғистон республикаларининг тарихий шаҳарларига жўнаб кетишди.

**А. ПУЛАТОВ.**



**Ўзбекистон телевидениеси 22 август соат 13 дан 35 минут ўтганда намойиш этадиган «Экспромт» кўрсатувида москвалик киноартист Елена Циплякова ва «Ўзбекфильм» киностудиясининг артисти Рустам Саъдуллаев мулоқотини тинглайсиз.**

Ф. Хўжаев фотоси.

